

Миллий Тикланиш



Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1997 йил 18 ноябр

45 (126)-сон

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Туркия Республикасига расмий ташрифи бошлангу

Тошкентда Халқлар Дўстлиги саройида Ўзбекистонда Украина маданияти кунлари тантанали суратда очилди.

АМЕРИКА — ЎЗБЕКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ ТОНГИ ОТМОҚДА

КЛИНТОН ХОНИМНИНГ САФАРИ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРДА УНУТИЛМАС ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ АМЕРИКА ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНОБ КЛИНТОННИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛИШГА ТАКЛИФ ЭТДИ

Америка Қўшма Штатлари президенти жаноб Билл Клинтоннинг рафиқаси леди Хиллари Родэм Клинтоннинг ноябрнинг саодатли сарин кунларида Ўзбекистонга келиши ҳар иккала мамлакатлар ўртасидаги яқин муносабатлар тарихида янги саҳифа очди.

Клинтон хоним Ўзбекистонда кенг умумий мақсадларни кўзда тутган дастур асосида сафарда бўлди. Ўзбекистон хотин-қизлари олиб бораётган фаолиятлар кўлами, мамлакатда аҳоли соғлигини сақлаш билан чамбарчас боғлиқ йўналишлар, болалар ҳаёти, ўқиниш, тарбияси, сихат-саломатлиги борасида олиб борилаётган диққатга сазовор ишлар мажмуи билан яқиндан танишди. Клинтон хоним Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби қадим маданият бешикларини бориб кўрди. Демократия, эркинлик, ислохотлар, инсон ҳуқуқлари барқарор ривожланиб бориши жараёнлари билан қизиқди. Янги мустақилликка эришган мамлакатлардаги бу сингари жараёнларни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга

хизмат этиш ва бу йўлда зарур бўлган ёрдамларни аямаслик муҳим аҳамиятга эга эканлигини ўз чиқишларида таъкидлади.



Самарқанд аҳли билан учрашувда Клинтон хоним ёрқин ва мазмундор нутқ сўзлади. Ўзбекистоннинг дунё цивилизациясига қўшган ва бундан буён кўшадиган улкан ҳиссасига муносиб баҳо берди.

Бу Алжабр ватани ва унинг фарзандлари дунёни зиёли қилишга, дунё илм-фанини ривожлантиришга ҳамма вақт ўз ажойиб улушларини қўшиб келганлар, — деди ўз сўзида Клинтон хоним.

Самарқанддаги учрашувда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Клинтон хоним шарафига эъзоз-икромга тўлиқ нутқ сўзлади ва унда ўзбек халқининг туйғу ҳамда хоҳишларини самимий изҳор этди. Президент Каримов ўз нутқидан Қўшма Штатлар пре-

зиденти жаноб Билл Клинтонни Ўзбекистонга келишга таклиф қилди. Американинг ҳозирги дунё тараққиётида эгалланган мавқеини ва ўйнаётган ролига ўз муносиб баҳосини берди.

— Бундан олти-етти йил аввал АҚШдек улкан мамлакатдан шундай мартабали меҳмонлар келишини ҳатто тасаввур ҳам қилолмасдик. Миллий истиқлол туйғайли мана шундай улғу дўстона алоқаларни йўлга қўйишга муваффақ бўлдик, — деди ўз сўзида Ислам Каримов. — Ўзбекистонда эркин бозор иқтисодида асосланган демократик жамият қурмоқдамиз. Биз ҳеч қачон бу танлаган йўлимиздан қайтмаймиз. Ўзбекистон ўз тараққиётига Америка йўлини намуна қилиб олган. Ва биз бу йўлдан оғишмай олган борамиз.

Клинтон хонимнинг Ўзбекистонда бўлиши, эркин, самимий, дўстона меҳрга тўлиқ учрашувлар Ўзбекистон ва АҚШ муносабатларида янги дунё руҳига тўла жавоб берадиган мусавфо тонг отаётганидан дарак берди. Клинтон хонимнинг Ўзбекистонга сафари 15 ноябрда нихоясига етди.

Иброҳим ҒАҒУРОВ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўрғазмалар залида Марказий Осиё санъати Халқаро кўрғазмаси очилди. Унда шу регионда яшаётган ижодкорларнинг асарлар намойиш этилмоқда.

СУРАТЛАРДА: кўрғазмага қўйилган асарлардан намуналар.



ЎЙФОНГАН ТАФАККУР

Сир эмаски, бугунги ўқувчи бундан 10-20 йил бурунги ўсмир-ёшлардан ниҳоятда фарқ қилади. Нимаси билан? Даставвал шуниси биланки... ҳақиқий ҳаётий муносабатларга киришиш, «аччиқ-чучуқ»ни татиб, «таъм» фарқлаш авваллари деярли мактабни битиргандан кейин бирдан бошланарди. Ҳақу ноҳақни, дунё мураккаблиklarини англашларича яна бир мактаб умри ўтиб кетарди. Айна кунларда, аниқроғи, мустақилликка эришилгандан кейин ҳаётийлашиш жараёни кун-кундан эрталашиб борапти. Яъни ёшларимиз мактабдаёқ ҳаётга қадам қўймоқдалар, ўзларини кўргиси, кўрсатгиси, «мен-пингини бошқаларга тан олдиргиси келади уларнинг. «Хали ёшсан, ақлинг етмайди» деб бир чегга суриб қўйишларини энди кўтаришмайди, катталарнинг ҳисоблашларини хоҳлашди (Чингизхон босқини арафаси йилларида қадим авлодимиз улғуларидан Ибн Ҳожибнинг тўққиз яшарлигида дини исломдан дарс берганлигини — ваъз ўқиганлигини эсласак, бу «янгилаштиришга ажабланмасак ҳам бўлади»). Эътибор қилсангиз, мактаб ёшидаги болалар ҳаётнинг барча масалаларида, борингки, ҳатто турмуш чигалликларида кези келганда аралашгани нимаидир ҳал қилишга уринишдан-да қайтишмайди. Фақат келажак эмас, бугунги ҳам ўз хоҳиш-иродасига мос равишда тебратиб қўришни истаиди улар. Буларнинг барчаси бизни аввало қувонтиради. Ёшларимиз дарё мисли, эски замонадагидай бир жойда турғун қолмасликларни, руҳан ҳайкириб оқмоқлари лозим.

Лекин баъзан абадий яшаб келаётган, ўзгичмаснинг асоси бўлган айрим

инсоний мезону ўлчовларга дарё тошқинларида даҳл етиб қолаётганини кузатамиз. Келинг, шуларнинг баъзиларини зидди билан санайлик:

Ҳурмат — эъзоз ва мутелик; инсоний ғурур ва манманлик; камтарлик ва фаолиятсизлик, бўшанглик; ақлига иш буюришга кўникама ҳосил қилиш, мустақил ҳаракат ва ўзбошимчалик; шахс қуртаклари, «мен-нинг ўз ўрнини топишга интилиши, шу орқали кимгадир нимагадир таъсир қилиш ва такаббурлик; илмий ёки ҳар қандай баҳс ва ўзбилармонлик; ҳақиқат учун кураш ва ўзбошимчалик; маданиятга қийиниш ва ўзига бино қўйиш; замонавийлик ва ўзликини унутиш.

Бу тушунчалар ҳақида фикр юритишдан олдин ҳаммамиз кўп ашитган ўшбу сўзларни яна бир бор таъкидламоқ истардим: ўзингни билмагунча ўзгани билмайсан; ўзини севмаган ўзгани ҳам севмайди; куч билан бирни илм билан мингни йиқасан.

Энди юқоридагиларга қайтсак. Мактаб ўқувчилари бу тушунчаларни ўзларига қай даражада тadbик этадилар, эътиборлар, шу асосда улардан нималар кутсак бўлади. Ўшбу бир-бирига бир қарашда ўхшаш, бирок мазмунан зид фидодаларнинг зидлигини, бу жуфтликлар орасидаги меъёр нуқталарини, биладиларми, ҳатти-ҳаракатларини, интилишларини қандай бўлса шундай — тўғри ном билан атай оладиларми, қайси мезонларда юрганига шуур-фаросатлари етадими? Назаримда, кўпгина ўзлари амал қилаётган фаолият билан шу фаолиятнинг асли номида анчайин адашиб қолишаётгандай.

Давоми иккинчи бетда

КАТТА АЙИҚНИНГ РОЗИЛИГИ СЎРАЛДИМИ?

Россия Бадий академияси хайвати ўз президенти, машҳур хайкалтарош Зураб Церетелига хурматини изҳор этишининг ажойиб-ғаройиб йўлини топди. Хайбат Церетели номини Катта Айиқ туркумидаги юлдузлардан бирига беришга қарор қилди. Герман Титов бошчилик қиладиган «Космос—Земля» акционерлик жамияти хайкалтарошга шу ҳақда сертификат топширди. Бир пайтлар бизнинг энг сербаланд чўққиларни ҳеч қимдан сўраб-сўриштириб ўтирмай ва уларнинг қадим номлари бўлишига қарамай «Ленин», «Сталин», «Ғалаба» ва ҳоказо деб атаб

юбораверган эдилар. Биронта номсиз юлдуз Церетели номи билан аталса ҳечқиси йўқ. Лекин қоинот, туркумлар, юлдузлар азал бор ва уларни инсон яратмаган. Чўққиларни ҳам одамзот бино қилмаган. Одам ўткинчи. Қоинот, чўққилар, тизмалар эса боқий. Шунинг учун инсон яратган, ақли-салохияти билан бино этган нарсаларгагина инсон номи берилса, қўйилса, аталса, уринли бўлади. Одам ўзи яратмаган ҳудудсиз нарсаларга ўз номини беришдан тийилиши керак. Абадият олдида бу уринишлар аянчли кўринади.

КЎЗИГА ОЙ БЕРКИНГАН...

МАНЗАРА

Ювилган ойнадек топ-тоза, тиниқ фируза осмонга, оёқларимга бош уриб тўқилаётган кузак япроқларига тикилар эканман, уларнинг бариси ҳам заъфарон рангда эмаслигини англаб қоламан. Ним яшил барглари — менга худди ҳали ҳаётга тўймаган, аммо бемаҳал келган ўлим туйғайли бу ёруғ оламдан кўз юмган инсонлар тақдирини бот-бот эса солаверади. Совуқ шамолларнинг қафтида япроқлар шалдираб тўқилаверади. Осмон эса тиниқ, денгиздек кўм-кўк, денгиздек бепоён. Қултумлаб-қултумлаб ичгинг келади уни. Ичасану, томогингга нимадир тикилади.

Усмон Носир. Бу номни эшитганимда, кўз олдимга совуқ ва чексиз Урусия ўрмонлари, чегарага тортилган симлар келаверади. «Қотиллар ўз қурбонларини қатл этиш билан чегараланиб қолмай, унинг ўлмас асарларини ҳам «ўлдирётган» эдилар. Эй, сен совуқ Кемеровонинг совуқ симлари, нега озор бераётисиз унинг қўлига, дилига, хаёлларига. Менинг кўз олдимда ҳамон ўша манзара. Узокларга югурган хаёл нигоҳлари, кўкрагига тор келган илҳом шиддати, қирғоқидан тошган севинчлар. Ахир у «ел бўлса эсар эди, гул бўлса ўсар эди, оқ қўш каби учар эди, ҳаволарни кучар эди-ку».

Усмоннинг кўзларига ойни беркитинг. Тошиб, қуйлаб, суйиб ўтсин эди Наҳшонларини, Хурлик овози ила нафосатнинг биллурий гулларини яратаётган ёшда бўлган Усмоннинг овози бевақт узилди. Бевақт узилди яна бир бебаҳо ним яшил япроқ, «Сўз — совумайдиган қўшиқ», деган эди ҳазрат Навоий. Совумайдиган, қайноқ сатрлар муаллифининг таваллудига ҳам яқинда 85 йил тўлди. Инсоният тарихида бу катта фурсат эмасдир, аммо қисқа умр ичида одамлар қалбида узок яшамоқлик бахти ўт-олов бўлган шоир Усмонга насиб этди.

Биз истиқлол сари дадил қадам қўйдик. Шу билан боболаримиз хотирасини ёд этиб, улар руҳини шод айлашдек хайрли ишга қўл уридик. Йўлбошимизнинг амағал ошираётган бу сингари муборак ишлари аждодларимизга нисбатан қилинган хато-ларимизни тўғрилаш, тарихий меросимизни тиклаш, маънавий дунёимизни бойитишда гоят катта аҳамият касб этади. 30-йиллари адабиётимизга кириб келган шоир Усмон Носир ҳам озолик, эркинлик орзусида яшаган марди майдондир. Биз, «сўзнинг атомдан кучли» эканлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Зеро, мардона яшаш — буюклидир.

Дилором ИСМОИЛОВА

ОБУНА-98

Миллий Тикланиш

МАЪНАВИЙ, СИЁСИЙ ЯНГИЛАНИШ ГАЗЕТАСИ

Сизнинг зиёли газетангиз

НАШР ИНДИКСЛАРИ 158, 159

АҚШ МОЛДОВАДАН ҲАРБИЙ САМОЛЁТЛАР СОТИВ ОЛДИ

Ноябр ойининг бошларида Америка мудофаа вазир Уильям Коэн ҳарбий хатарлар олдини биргаликда олиш ташаббуси доирасида Молдова республикасида 21 дона МИГ-29 ҳарбий самолётларини сотиб олинганлиги ва улар кейинги икки ҳафта мобайнида АҚШ улкан юк самолётларида қисман бўлибгина қолмади, Америкага келтирилаётганлигини маълум қилди. Бу хабар дунё сиёсий маънавий аҳборот воситаларидан кенг урин олди ва халқ ханузгача қизгин шарҳларга сабаб бўлмоқда. Жаноб Коэн ядро қуроли элтишга қодир бўлган бу самолётларни АҚШнинг сотиб олиши сабабларини изоҳлаб айтдики, АҚШ аввало бу билан юз бериши мумкин бўлган турли ҳарбий таҳлика-таҳдидларнинг олдини олди. Бу самолётларнинг айрим жинояткор режимлар қўлига ўтиб кетиши аҳтимоли ҳам йўқ эмас эди. Биз ўзимизни шу ҳавфдан сақладик. Шу билан бирга жаноб Коэн МИГ-29 самолётларини урганиш, уларнинг турли ҳарбий мақониятларини яқши билиш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Бу зарур бўлган тақдирда йимоя чораларини аниқ-равшан белгилашга имкон яратди.

Вазир Коэн қўшимча қилиб яна шуни ҳам маълум қилдики, Белорус, Козогистон, Украинанинг ядро қуролидан холи мамлакатларга айланаётгани жуда катта ютуқлар сирасига кирди. Козогистондан 600 қилграмм юқори даражада тўйинган уранны ҳавфсиз сарлаш учун АҚШга келтирилиши муҳим аҳамиятга моликдир.

ЛЕВОН ТЕР-ПЕТРОСЯННИНГ 8 ДОЛЛАРИ

Арманистон президенти Левон Тер-Петросян ўзининг зиёли, фозил қарашлари билан машҳур. Президентликнинг сермашақат ишлари қанчалик вақти, кун-қувватини кўп олмасин, у умрининг асл мазмуни бўлган илмий-ижодий ишларини асло унутмайди. Арманистон президенти жаҳонга шухрат тўтган қўлэмалар ҳазинаси — Матенадаранда ярим ставкада илмий ходим бўлиб ҳам хизмат қилади. Унга бу хизмати учун олинган 8 доллар ҳақ тўлайдилар. Левон бу маошини хайр-саховат жамғармасига ўтказди. Даредан томчи деб шунга айтадилар!

ИЧУВЧИЛАРГА ҲАМ ҚУЛАЙЛИК КЕРАКМИ?

Бозор иқтисоди бизни кўп нарсага ўргатяпти. Кўпроқ даромад олишининг, яхшироқ яшашнинг турли йўлларини қидиряпмиз. Ва бунга эришяпмиз ҳам. Соғлиққа юз фоиз зарар етказадиган тамақини реклама қилиш қўлайлиги айтаётган қолди. Болаларга тамақини захар эканлигини тушуниргунча ота-онанинг, ўқитувчининг эси кетади. Телевизор эса «бир топтиб кўринг, ҳақиқий шарқона лаззат» дейди. Бечора ўқувчи кимга ишонилишни билмай ҳайрон.

Кейинги йилларда ароқ заводларимиз ҳам тамақичилардан ўрнак олишди. Йўқ, улар молзини кўз-кўз қилиб, телевизорда кўрсатаётгани ёки газеталарда «ароқ сотиб олинг, сифатига қафолат берамиз» деб реклама қилаётгани йўқ. Улар энди ароқларини кўча-кўйда ҳам, машинада ҳам бемалол ичиб кетаверишга қўлай идишларда чиқармоқда. Хўш, бу яхшими, ёмонми? Балки завод учун яхшидир. Чунки буни улар жаҳон стандартларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш деб аташади. Аслида эса сифатсиз ароқни ҳар қанча чи-

ройли идишга солсангиз ҳам, зўр бўлиб қолмайди.

Яқинда «Отчопар» бозорида қизиқ воқеанинг устидан чиқдим. Эрта тонгда бозор кезиб юрган уч-тўртта ажабтовур йигитлар ўша юз граммлик ароқлар териб қўйилган пештахта олтидан ўтиб кета туриб тўхтаб қолишди. Назаримда бундай ароқни биринчи кўриб туриши шекилли, қўлларига олиб роса томоша қилишди. Кейин биттадан ичиб кўришди. Менинг хайрон бўлиб қараб турганимдан уялди шекилли, биттаси «ака биз алқаш эмасмиз, ичишга қўлай экан, деб мазасини татиб кўрдик-да», деб изох берди. Бошқаларни билмадим-у, аммо мен юз граммлик пластмас стакчалардаги бу «маҳсулотлар»ни кўриб ранжидим. Чўнки бизнинг юртимизда асосан мусулмонлар яшайди. Бундан ташқари ҳар бир ўзбек оиласида тамақчи чекмаслиқни, спиртлик ичимлик истемвол қилмаслиқни тарғиб қилиш бола тарбиясидаги муҳим омил ҳисобланади. Шундай экан, ҳамма жойда ичиб кетавериш учун қўлай бўлган бундай ароқни чиқа-



ришнинг мақсади нима? Кўча-кўйда маст аҳолиларни кўпайтириш эмасмикин?

Б. УММАТОВ

8 m m x d o c

ЎЙНОВАН ТАРАҚҚУР

Боши биринчи бетда

Турни, биз қизил замонда санаб ўтганимиз ифодадор тадқиқда ўта даражада англ...

мир кўлларига келиб тушарди — уларни ҳам ашё базалари ўпкоч кутиб турарди...

ҳаёт қозонида қайнай бошлади — Шунинг учун уни уш...

римча, ўша мақбул усулни қўлаш ўринлидир. Дeyлик, таълим-тарбияси қолиб, ҳар...



Хозир ўқитувчи ва ўқувчи, ота-она ва фарзандлар орасидаги муомала-муносабатларда фарқ кўчилик...

ўрнашиб ола бошлайди, ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги мувозабат бузилади, ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам бирдай шик...

қолган ягона руҳий куч миллий мусикамиз бўлганини (Турғун Алиматлар!) умутмаслигимиз миллат келажигини...

Ушбу мақбур ҳаётнинг қўлаш ўринлидир. Дeyлик, таълим-тарбияси қолиб, ҳар хил йўлларга кириб кетсалар, ўзи учун ҳам, бошқалар учун...

Хозир ўқитувчи ва ўқувчи, ота-она ва фарзандлар орасидаги муомала-муносабатларда фарқ кўчилик...

ўрнашиб ола бошлайди, ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги мувозабат бузилади, ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам бирдай шик...

қолган ягона руҳий куч миллий мусикамиз бўлганини (Турғун Алиматлар!) умутмаслигимиз миллат келажигини...

Ушбу мақбур ҳаётнинг қўлаш ўринлидир. Дeyлик, таълим-тарбияси қолиб, ҳар хил йўлларга кириб кетсалар, ўзи учун ҳам, бошқалар учун...

Айнаш шу нуктада мактабни бирдан олий ўқув юртига, коллеж, лицейларга мўъясса қилиб қолсақ, «бозорнинг сабабини аниқлаймиз-қўямиз...

Хозирги ўқувчиларни аввалги йиллардаги нисбатан бевариб, ўзбошимча, бетгачона, ҳатто китоб билан иши йўқ дейишарди...

Ушбу мақбур ҳаётнинг қўлаш ўринлидир. Дeyлик, таълим-тарбияси қолиб, ҳар хил йўлларга кириб кетсалар, ўзи учун ҳам, бошқалар учун...

Ушбу мақбур ҳаётнинг қўлаш ўринлидир. Дeyлик, таълим-тарбияси қолиб, ҳар хил йўлларга кириб кетсалар, ўзи учун ҳам, бошқалар учун...

Ушбу мақбур ҳаётнинг қўлаш ўринлидир. Дeyлик, таълим-тарбияси қолиб, ҳар хил йўлларга кириб кетсалар, ўзи учун ҳам, бошқалар учун...

Ушбу мақбур ҳаётнинг қўлаш ўринлидир. Дeyлик, таълим-тарбияси қолиб, ҳар хил йўлларга кириб кетсалар, ўзи учун ҳам, бошқалар учун...

Ушбу мақбур ҳаётнинг қўлаш ўринлидир. Дeyлик, таълим-тарбияси қолиб, ҳар хил йўлларга кириб кетсалар, ўзи учун ҳам, бошқалар учун...

Ушбу мақбур ҳаётнинг қўлаш ўринлидир. Дeyлик, таълим-тарбияси қолиб, ҳар хил йўлларга кириб кетсалар, ўзи учун ҳам, бошқалар учун...

Жаҳидчилик XX аср бошларида Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида ўчмас из қолдирган ҳодиса эди. Унинг туғилиши рус мустамлакачиларни таҳликага солди. Шўрлоқ даврида эса жаҳидчилик бадном этилди, жаҳид эътилоли аёвсиз қатағонга дучор бўлдилар. Улар яратган нафис адабиёт гоявий жиҳатдан зарарли, бадийий томондан заиф деб эълон қилинди. Баъзи «илмий ишлар»да жаҳид ёзувчилари сунъий равишда бир-бирига қарама-қарши қўйилди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Абдулла Авлоний каби адабларнинг жаҳидчилиги фаолиятдан кўз юмилди, тўғрироғи, жаҳид гоялари ифодаланган асарлари ўрганилмади. Истиқлолимиз бундай мударши адолатсизликларга барҳам берди. Ватан озодлиги, халқ бахти йўлида бошини фидо қилган жаҳидларнинг муборак номи оқланди. Бугунги авлод — улар тўғрисидаги ҳақиқатни англамоқда, ижодий меросидан баҳраманд бўлмоқда.

Бундай ўта савобли ва масъулиятли ишга илк бор қўл урган олимларимиз О. Шарафидинов, Б. Қосимов, Н. Каримов, А. Алиев, Л. Азизова, С. Аҳмедов, Ш. Турдиев, С. Холбоев, М. Ҳасановларнинг рисола ва мақолалари жаҳидчилик моҳиятини очишда, жаҳид арбобларининг ҳаёти ва фаолияти билан таништиришда катта маърифий вазифини ўтади. Назаримизда, жаҳидчиликни илмий тадқиқ қилишда, идрок этишда, жаҳид ижодкорлари асарларини таҳлилий, талқинда янгича тенденциялар юзга келаяпти. Ҳамидулла Болтабоев, Дилмурод Куронов, Илҳом Ғаниев, Замира Эшонова, Шўхрат Ризаев каби навқирон адабиётшуносларнинг изланишларида бу хусусиятлар намоён бўлмоқда.

Шўхрат Ризаев — фаол мунаққид. Унинг бугунги адабий жараён, мумтоз адабиёт муаммолари, театр ва драматургиянинг долзарб масалаларига бағишланган мақолалари, муло...

ҲАҚИҚАТ ИЗЛАНИШДА ТУФИЛАДИ

ҳазаларга бой телесуҳбатлари ҳеч қимми бефарқ қолдирмайди. Яқинда «Шарк» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти ёш олимнинг кузатиш ва мушоҳадаларга бой, жиҳдий илмий изланишлар самараси бўлмиш «Жаҳид драмаси» китобини чоп этди.

Уч бобдан иборат мўъжаз тадқиқотда муаллиф жаҳидизмининг энг долзарб муаммолари тўғрисида фикр юрилади. Ш. Ризаев асарни яратиш учун узок ва жиҳдий тайёргарлик қўрган, кўпал адабиётларга мурожаат этган, архив ва манбаларни ўрганган, хали илмий муомалаларга кирмаган ноёб ҳужжатлар, коллекциялар, хотиралардан фойдаланган.

Маълумки, жаҳидлар мактаб-маориф, ўқув-тарбиядагина эмас, бадийий ижодда ҳам янгиликка интилдилар: шеърятда бармоқ вазиғи эътиборни қаратдилар, рўмон ёзишга илк бор интилган адиблар ҳам жаҳидлар эдилар. У гояларни халқ онгига етказишда, айниқса, драматургия уларга кўп келди. М. Бехбудийнинг «Падаркуш»и билан бошланган жаҳид драматургияси оз фурсатда улкан ютуқлар қўлга киритди, ўзбек миллий театр санъатига асос солинди.

Марказий Осиёда театр санъатини рўзга тарихга эга, машҳур санъатшунос олимларимиз Мамажон Раҳмонов, Мухсин Қодиоровларнинг монография тадқиқотларида, ўлкаимиз ўтмишини ўрганган С. Толстов, А. Оқландинов каби археологларнинг асарларида, Наршахийнинг «Бухоро тарихи»да, академик В. Бартолд тадқиқотларида театр тарихига оид ноёб маълумотлар учрайди. Ш. Ризаев китобининг илк бобида Марказий Осиёда театр санъатининг вужудга келиши ҳақида фикр юритар экан, ана шу манбаларга суянади.

Марказий Осиёда театр санъатининг юзга келишида Александр Македонский даври сезиларли из қолдири. Юнонлар янги забот этилган юртга Эсхил, Еврипид асарларини олиб келганлар, амфитеатрлар қурганлар. Ш. Ризаев тарихчилар, археологларнинг маълумотларига суяниб юнон театри аъналарини Урта Осиёда чукчур томир отганини, Эсхил, Еврипид трагедияларидаги баъзи сюжетлар қадимги туркий эпосларда ҳам учрашини айтиди.

М. Раҳмонов «Ўзбек театри» китобида «...масҳара» ёки «масҳарабоз» деб номланган қадимги ўзбек театри қадимий юнон даври театр системалари билан боғлиқдир, деган фикрни қадимий даврига ташлаган эди. Ёш олим эса атоқли театршунос қарашларини ишонарли далиллар билан исботлашди интиди. Муаллиф масҳарабозлик ва қизилқичлик театри араб истилоидан сўнг ҳийла сусайгани, лекин тамоман барҳам топмаганини таъкидлайди.

Халқ театри ва оғзаки драматургия XVIII ва XIX асрларда яна жонлана бошлади. Хоразм ва Кўкон хонлигида оид шаҳарларда ривож топди. Ш. Ризаев ана шу театрлар ва уларнинг репертуарлари тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини баён этади ва жаҳид театрининг дунёга келишида мазкур театрлар таъсирини кўрсатади.

Туркистонда жаҳид театри туғилишига бир қанча омиллар сабаб бўлди. Туркистон Россия томонидан забот этилгандан сўнг, истибдод, зулм, ҳақорат ва ҳўрлик билан бирга рус маданияти ўлкага ҳам кела бошлади. Мустамлакачиларнинг маданий хордиқ чиқариши учун Петербург, Москва ва бошқа шаҳарлардан турли театр гуруҳлари, хаваскорлари келишди.

«...мустабид давлат ўз мавқени мустаҳкамлаш мақсадида халқнинг маданий аъналарини ўрнига ўз маданият, маънавиятини жорий этишга ҳаракат қилди. Бунинг салбий моҳиятини тира ҳаспўлланмасдан, эътироф этмок лозимки, рус маданий тадбирларининг муайян ижобий таъсирилари ҳам бўлди. Туркистонда ижтимоий-эстетик тафаккур тараққийотининг тезлашувида ўзига хос ўрин тўпти», — деб ёзади Ш. Ризаев. Назаримизда муаллиф ҳақ.

Олим Тошкент ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида фаолият кўрсатган турли театр арбобларини тилга олади ва уларнинг ижодини оид баҳолайди. Ўзбек театри, айниқса, жаҳид театри тақомилига ижобий таъсир кўрсатган рус, Озарбойжон, татар санъаткорларининг жонбозлиги, ижодий ёрдами М. Солиҳов, М. Раҳмонов, Г. Уварова, С. Алиев каби олимларнинг китобларида анча кенг ёритилган. Шунинг эътирофи таъки лозимки, мазкур тадқиқотларда диққатга лойиқ фикрлар, энг ҳужжатлар келтирилган. Лекин илмий таҳлилда бир ёқламалик талқин ва мушоҳадаларнинг саёзлиги сезилади.

Биз «Жаҳид театри» китобини қўздан кенчар эканмиз, янги адабий фактларга, янги талқинлар, янгича ёндошиш ва янгича баҳолашга қўл келамиз. Китоб муаллифи кейинги йилларда пайдо бўлган адабий, маданий алоқаларга доир асарларни гоёт синчковлик билан ўрганган, ўз тадқиқотида улардан унумли фойдаланган.

Зокиржон Фурқатнинг машҳур «Суворов» манзумаси хусусида кўпгина олимлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Мазкур асар турли позициядан туриб баҳоланган. Атоқли шоир 1890 йилда Тошкент театрида қўйилган Н. Куликовнинг «Суворов» кишлоқда, Миланда ва яхши аёллар орасида» спектаклини томоша қилиб, ундан олган таассуротини шеърда баён қилган. Фурқатшунослар ушбу асар жанрини дoston, шеърини ҳикоя ва маснавий деб атаганлар. Ёш олим эса «Суворов»ни адабий танқиднинг «тарқиз» жанрига киритиб, «ўзбек театр танқидчилигининг илк намунаси» деб атайди.

Шўхрат Ризаев жаҳид театрининг дунёга келишига сабаб бўлган омиллар тўғрисида фикр юрипти, «асосий манба тарихий шароит» дейди. Бизнингча, ана шу «тарихий шароит» илк бор гоёт одилона, илмий жиҳатдан асосли равишда талқин этилган. Туркистонда миллий ўйғоншига туртки берган омиллар даҳшатли мустамлакачилик сиёсати, таъйик, таъқиблар, шовинизминг авжа чиқиши, руслаштиришнинг қучайиши инкор қилиб бўлмас далиллар билан кўрсатилган.

Руслаштириш сиёсатини амалга ошириш мақсадида мустамлакачи маъмурлар рус-тузем мактабларини очдилар. Асо...

сий ният чор ҳукумати учун садақотли гунаҳтарлар, тилмоқлар тайёрлаш эди. Қримлик машҳур маърифатпарвар Исмоил Гаспирали мустамлакачиларнинг асл мақсадини барвақт тушунди ва «рус-тузем» мактаби моҳиятини фoш қилди. Унга қарама-қарши бўлган «Усули жаҳид» гоёсининг муаллифи ҳам И. Гаспирали эди.

Ш. Ризаев ўз асариди ана шу буюк инсон ҳаёти ва фаолиятини, айниқса, «Таржумон» газетасининг Туркистон эътилолига кўрсатган таъсирини ишонарли манбалар мисолида кўрсатади.

«Усули жаҳид» оз фурсатда Туркистонда тез тарқалди. Туркистоннинг машҳур жаҳид арбоблари — Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода, Сиддиқий-Ажзий, Ашурали Зоҳирий, Абдурауф Фитрат, Мухаммадшариф Суфизодадор ана шу усулнинг энг жонқуяр ташкилотчилари ва тарғиботчилари эдилар. Ёш олим «усули жаҳид» ёки «усули савтия» тараққийоти учун чинакам фидойийлик кўрсатган арбоблар фаолиятини ёритди.

Жаҳидлар миллий матбуотнинг чинакам ташвиқотчилари эдилар. «Тараққий», «Хуршид» (1906), «Шўхрат», «Тўжор» (1907), «Осиё», «Самарқанд» (1913), «Садойи Туркистон», «Садойи Фаргона» газеталари, «Ойна», «Ал-ислоҳ» сингари журналларида Ватан, миллат дарди, озодлик, истиқлол гоялари билан сугорилган мақолалар эълон қилинди. Матбуот жаҳид публицистикаси учун энг қулай майдон ва минбар вазиғасини ўтади, жаҳид санъаткорлари қаламини чархлади.

Ш. Ризаев асари жаҳидчилик моҳиятини тушунишда, бу ҳаракат эволюциясида содир бўлган банд-пастликларни англашда китобхонга кўмаклашди. Масалан, 1916 йил воқеаларида — мардикор олиш, шу туйғайли қўтарилган халқ қўзғолонига муносабат масаласига оидкини киритади.

Маълумки, жаҳидлар 1916 йилдаги чор ҳукуматининг маҳаллий аҳолидан фронт орқаси учун мардикор олиш қарорини қувватлашди, ҳамюртларини мардикорликка даъват эдилар, империалистик урушда оқ подшога зафар тиладилар. 1916 йилги халқ қўзғолонига хайрихолик билдирмадилар.

Ш. Ризаев бунинг сабабини шундай изоҳлайди: «жаҳидлар курашини сиёсий-маданий йўлини қўзлаган эдилар. Уларга аввалги халқ исёнларининг аччиқ таърибаси сабоқ бўлган эди. Фитрат айтмоқчи «Зотан қурол кучи билан бир миллиятни йўқ этмак қулай, бор этмак мумкин эмасдир. Қурол кучи билан ҳеч жамиятни маданият сари жунатиб бўлмайди». Жаҳидлар ана шу ақидаларга қатъий амал қилдилар. Олим 1916 — 1917 йилларда жаҳидчилик ҳаракатида содир бўлган ўзгариш, уларнинг сабабларини изоҳлашга интилади.

Жаҳид йўлбошчилари Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам, Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳам яқинда бўлиб ўтган қонли сабоқларни — «Дуқин эшон» қўзғолони, Номоз полвон исёни ва бошқа ғалаёнларнинг натижасини яхши билишарди. Аммо руҳоний-уламолар аксинча тарбиёт олиб бординлар — қурол-ярқоси омимани замонавий аслаҳларга эғаси бўлган рус жазо отрядларига қарши газавотга ундадилар. Бунинг натижасида Тошкентда, Жиззахда ва бошқа шаҳарларда мислсиз фожиялар содир бўлди. Жаҳидларнинг саъй-ҳаракати билан дунёга келган «Кўкон мухторияти» ҳам «Уламоларнинг айби билан мағлубиятга учради.

Ш. Ризаев жаҳид драматургиясининг вужудга келиши арафасидаги тарихий шароит тўғрисида фикр юритар экан, воқеалар ва фактларга тамомила янгича назар — истиқлол мафкураси нуктаи назаридан ёндошди ва талқин этади.

«Жаҳид драматургияси ва театр» боби мулоҳаза ва мушоҳадага бойлиги, таҳлил ва талқинларнинг теран илмийлиги билан китобхонни ром қилади.

Ўзбек миллий театри асримизнинг 10-йилларида таваллуд топди. Уни дунёга келтириш вазиғаси миллат фидойилари бўлиш жаҳидлар зиммасига тушди.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Падаркуш» асарининг пайдо бўлиши миллий санъатининг тарихидаги юлдузли онлардан бири эди.

Ш. Ризаев «Падаркуш»ни бахтли тақдири ҳақида ҳикоя қиларкан, асарни миллат мулкига айлантириш, у билан халқни ошно ва баҳраманд этиш йўлида жонбозлик кўрсатган азиз инсонлар билан китобхонни таништиради.

«Падаркуш»ни илк бор сахнада кўриш бахтига муяссар бўлганлар Самарқанд ахли эди. Асар тўғрисида дастлабки хабар ва таассуротларни «Ойна» журнали эълон қилди. Тадқиқотчи «Падаркуш»ни саҳнага қўйиш тарихи ва Самарқандда театрчилик ҳаракатига оид гоёт ноёб маълумотларни баён этади.

Ш. Ризаевнинг тарихий ҳақиқатни рўёбга чиқариш йўлидаги муросасизлиги таҳсинга лойиқдир. У мураккабликларни чет-лаб ўтмайди, балки уларга равшанлик киритиш пайида бўлади.

Туркистонда жаҳидларнинг театр санъати равнақи йўлидаги фаолиятлари силлиқ кечмайди. Ўлкада театрчилик тараққийотида аввало мустабид мустамлакачилар жон-жаҳдлари билан қаршилик қилдилар. «Падаркуш» саҳна юзисини қўргунча чор цензурасининг «қил чигиригидан» ўтказилди, турли-туман сунъий тўсиқлар қўйилди. Ш. Ризаев мустамлака маъмурияти миллий маданиятнинг жонлишини учун таъйик ва таъбирининг турли шаклларида фойдаланганини айтиди.

«Қадим» ва «жаҳид» низои янги усул мактабидан сўнг, театр масаласида ҳам кескин давом этди. Мутаассиблик театрчилик ҳаракатида катта роль бўлди. Уларни чор маъмурлари қўлаб-қувватлади. Театрчилик ҳаракати намоёндаларга суяқасдлар уюштириди. Саидхамд Ваский ва Маҳмудхўжа Бехбудий ўртасидаги мунозара ҳақида кўриш тус олади. Ш. Ризаев ана шу икки мутафаккир баҳси ҳақида гапирар экан, М. Бехбудий позициясини оқлайди. «Падаркуш» муаллифининг ўзига хос театр эстетикаси яратганини таъкидлайди. Тадқиқотчи иккинчи боби яқинлар экан, «Падаркуш» ўлка ижтимоий-маданий ҳаётида тугган урн ва аҳамияти жиҳатдан 10-йиллар Туркистон тарихининг буюк ҳодисаси деб баҳолайди, «Падаркуш» театр труппаларининг ташкил топишида ва янги, истеъдодли жаҳид драматургларнинг пайдо бўлишида улкан мактаб вазиғасини ўтаганини айтиди.

Жаҳид адабиёти тарихи хали ёритилмаган. Бу борада эндигина илк тадқиқотлар пайдо бўлмоқда. Ш. Ризаевни шу жабақни пионерларидан десак арзийди.

Ш. Ризаев жаҳидчиликнинг ижтимоий-тарихий тадқиқотчи икки даврга — XIX аср охириларидан то 1916 йил ўрталари ва 1916 йил иккинчи ярмидан то 1929 йилгача бўлган даврга ажратди.

Тадқиқотчи биринчи даврни турли соҳалардаги феодал қолдиқка қарши қайғият ҳукмронлик қилган маърифатчилик, иккинчиси эса мафкуравий-маънавий шаклда давом этган сиёсий кураш даври деб белгилайди. Бизнингча, бундай даврлаштириш тарихий ва илмий жиҳатдан мантиқий қўринади.

«Жаҳид драмаси»ни варақлар эканмиз, маълум ва машҳур адибларнинг асарлари билан бирга ҳали қўпчиликка нотаниш муаллиф ва драмалар билан танишамиз. Ш. Ризаев жаҳид драмаларининг ёзилиш тарихи тўғрисида жуда тансиқ маълумотлар тўплаган.

Муаллиф, илҳоми борича, ҳар бир драматик асарни тавсифлаш, тарихий ҳақиқатни тилқашга ҳаракат қилади. Китоб давомидида Ш. Ризаев профессор М. Раҳмонов билан кўп марта мунозараларга киришди, ақсарият ҳолларда ёш олим ҳақ бўлиб чиқади.

Ушбу китоб — жаҳид адабиёти муаммоларига бағишланган дастлабки салмоқли тадқиқот. Унда бугунги адабиётшунослигининг учун характерли бўлган ҳислатлар — илмий теранлик, таҳлилда ҳолислик, янгича тафаккур ўз ифодасини топган.

Асарнинг энг жозибали томони у сизда фикр уйғотади.

Мухсин ОЛИМОВ, Тошду доценти; Нилуфар ДАДАЖОНОВА Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясининг етакчи мутахассиси

Дилором КЎЗИЖОН қизи

МИЛЛИЙ ТИҚЛАНИШ

Жавҳарлаъл Неру ёди

Хиндистоннинг буюқ фарзанди Жавҳарлаъл Неру жаҳон миқёсдаги улғу сиймодир. Уни ҳинд халқи ва илғор жаҳон жамоатчилиги шунинг учун катта ҳурмат қилиб, эъзозлайдики, у ҳинд халқининг мустамлакачилар истибдодига қарши курашларига, озодлик, мустақиллик учун қилган ҳаракатларига раҳбарлик қилди.

1905 йили Жавҳарлаъл ўқини давом этдириш учун Англияга боради ва зодгонлар фарзандлари тахсил оладиган машҳур Харроу илм даргоҳига жойлашади. Харроу коллежини муваффақиятли тугатган, истеъдодли йигит Кембриж университетига ўқийди. Жавҳарлаъл она-ватанида рўй бераётган сиёсий воқеалар билан жиддий қизиқади. Бу давр мамлакатда миллий-озодлик кураши янги босқичга кирган, Сварож ва Свадешин, яъни ўз-ўзини идора қилиш, миллий саёноатни ривожлантириш ҳинд ватанпарварларининг долзарб шиори бўлиб қолган.

1912 йили Ж.Неру Англияда ўқини тамомлаб, бакалавр унвонига эга бўлиб, адвокат мутахассислигини эгаллаб, она-ватанига қайтади.

Ж.Неру мамлакатдаги миллий-озодлик курашларида фаол иштирок этади.

20нчи йилларнинг бошларида Хиндистон миллий конгресси партиясининг гоявий раҳбари Мухандас Карамчанд Ганди ҳинд халқини Англия мустамлакачиларининг қарорлари ва буйруқларига итоат қилмасликка, чет эл, хусусан, инглиз молларига байкут эълон қилиш, давлат ташкилотларидаги хизматдан ва инглизча олий ўқув юртиларида ўқиш ва бошқалардан воз кечишга даъват этади. Бу эъропонлиқсиз, куч ишлатмасдан мустамлакачиларга қаршилик кўрсатиш усулини М.Ганди сатъғраша, яъни ҳақиқатда қаттиқ туриш деб атади.

М.Гандининг маънавий нуфузи Ж.Неру учун жуда кучли эди. 20 нчи йиллар бошларида Ж.Неру империализмга қарши умуммиллий курашнинг кўзга кўринган раҳбарларидан бири бўлиб қолади. Неру бир неча бор қамқоқоналарга ташланади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Хиндистонда озодлик, мустақиллик учун кураш жуда авж олиб кетади. 1942 йили М.Ганди мустамлакачиларга қарата «Хиндистондан йўқол!» — деган шиорини ўртага ташлайди, буни барча халқ қўллаб-қувватлайди.

1947 йил 15 августда Хиндистон мустақилликка эришади. Ж.Неру Деҳлидаги Қизил қалъада ун рангли мустақиллик байрогини кўтаришга мушарраф бўлади. 1950 йил 26 январда мустақил Хиндистоннинг Конституцияси қабул этилди ва Республика деб эълон қилинди. Бу фуқароларга кенг ҳуқуқлар берган демократик давлат қонуни эди. Хиндистон республикасининг биринчи бош вазири лавозимини Ж.Неру эгаллайди. Неру бош вазир лавозимига

биринчи ўқитувчиси ҳам инглиз эди. Ўқитувчиси турайли Жавҳарлаъл инглиз мутафаккирлари ва ёзувчилари Диккенс ва Теккерей, Скот ва Эллслар ижоди ва гоёлари билан танишади, улар асарларини завқ билан ўқийди.

1964 йил 27 майда Ж.Неру вафот этади. Унинг васияти ва хиндларнинг урф-одатларига қура Ж.Неру жазади гулханда куйдирилади ва қулининг бир қисми қаддақс Ганга дарёсига, қолгани ҳаводан мамлакат устидан сочиб юборилади.

Ж.Неру тарихчи ва мутафаккир сифатида ҳам кўп ишлар қилди. У ўзининг «Хиндистоннинг кашф этилиши» номли китобида она дёбирининг, жонажон халқининг энг қадимги даврлардан то ҳозирги замонгача бўлган тарихининг муҳим босқичларини тўри ёритиб беради.

Неру шундай деган эди: «Бизлар Фарб билан ҳам, Шарк билан ҳам, барча билан ҳам дўст бўлишни истаймиз». Неру талқинида халқларни тенгхуқуқлигини таъминламай, ирқий, миллий камситишларга барҳам бермай, улар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаб бўлмайди ва кенг ҳамкорликни ҳам ривожлантириш мумкин эмас. Умуман Нерунинг сиёсат, ижтимоий, иқтисодий ва маданият раванқи туғридаги доно фикрлари ҳозир ҳам, келажакда ҳам барча халқлар учун ўрнак бўлиб, доим эзгуликка чорлайди.

1961 йил сентябрда Ж.Неру Ўзбекистон Фанлар Академияси шарқшунослик институтида сакланётган нодир қўлезма асарлар билан танишди. Ўзбек шарқшуносларининг илмий-тадқиқот ишларига таҳсиллар айтиди, аждодлариниг буюқ инсонлар бўлганлигига яна бир бор қаноат ҳосил қилди. Ўзбек-ҳинд халқлар дўстлиги ва ҳамкорлиги истиқболли эканлигини таъкидлади. Шу қўнларда мустақил Ўзбекистон билан Хиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик иплари мустаҳкамланиб, ҳамкорликнинг тури ва ҳажми жуда кенгайди. Ўзбек халқи Жавҳарлаъл Нерунинг дўстлик, ҳамкорлик, инсонпарварлик, тинчликпарварлик гоёларини ва бу борада қилган улкан ишларини қадрлайди, ҳурмат қилади, у асос солган янги-ча дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашни, раванқи учун сидқи дилдан хизмат қилди.

Илёс ХОШИМОВ, профессор



Машра БОБОЕВА

кетди. Хизматчи йигит ишга унади. Абдурахим билан келган киши «Мавлон тўқай»га бошқача таъриф берди. Бу ерга бир мусофир келиб туриб қолади. У ўзини эшон деб танитади. Унга халқ ишониб кассалларини ўқитгани келадди. Шу кимсаннинг номи Мавлон бўлади. Шунга кўра Мавлон тўқай деган ном олади. Мавлон эшон хонадонда хиёнат юз бериб, у эшикдан бош олиб чиқиб кетади. Ўз юртида бош кўтариб юрولмай, ўзини хилватга уради. Буни бошидан оғир кунлар ўтганда бир шу ерлик кимсага айтиб берган экан йиғлаб. Арчазорлар йўқ бўлиб кетди. Мавлон номи эса қолди. Бу узлатнишин одам нималарни бошидан кечирдикин? Мана энди уни кўрган-билган одамлардан ҳеч ким қолмаган. Фақат ном...

— Дўстларим, — дедим мен маюс бўлиб қолган ҳамроҳларимга. — Биз ўзбекларда оила бошлиғи эркак бўлганидан унинг юриш-туриши қонун ва қоида чегарасида бўлиши керак. Отанинг гап-сўзлари, қиладиган ишлари оила аъзоларига ўрнак бўлади. Ўғил-қизлар эшитиб, кўриб отадек йўл тутишга ўрганади. Шунинг учун ота болалар олдида ҳар гатни гапирвермаслиги, эҳтиётлик билан муомалада бўлиши ёшларнинг одобли, ахлоқли, бўлиб ўсишларининг гаровидир. Мен умумий ахлоқ доирасидаги гапларни айтганман. Бировга осон тутиб бўлмайди. Лекин бахтсизликлар рўй берса, уларнинг илдизини ўзимиздан қидиришимиз керак. Сизлар ёшсизлар, бемехнат яшаш оқибати ёмон. Ўғирлик, алдаш каби ҳолларга етаклайди, бунга оғоҳ бўлиш керак. Бадномликни тўзатиш мушкул...

Хамма ўтирганлар бу гапга кўшилдилар. Бўри, балиқ, илон, инсон... Улар тақдирини нақадар ўхшатишди. Кеч тушди. Ошни еб, Абдурахим билан хайрлашиб шаҳарга жўнадик. Кеч қоронғуда тутиб келдик. Ўз уйим, ёлан тўшагим деб халқимиз бекорга айтмаган экан.

Қодир НОРХУЖАЕВ.

ларда институтнинг фахру кўрки бўлган Тошхўжа Хўжаев сингари ўзбек театри санъатининг алломалари билан ҳам инсоний, ҳам ижодий мулоқотлардан кўп нарса олган бўлса ажаб эмас. Шунинг учун ҳам у кейинчалик сахна ҳаракатидан ташқари, бевоқифа актёрлик маҳоратидан ҳам дарс бера бошлайди, сўнгра ўзи мустақил курслар қабул қилади.

Ушандан бери қанча суварлада институтнинг фахру кўрки бўлган Тошхўжа Хўжаев сингари ўзбек театри санъатининг алломалари билан ҳам инсоний, ҳам ижодий мулоқотлардан кўп нарса олган бўлса ажаб эмас. Шунинг учун ҳам у кейинчалик сахна ҳаракатидан ташқари, бевоқифа актёрлик маҳоратидан ҳам дарс бера бошлайди, сўнгра ўзи мустақил курслар қабул қилади.

Ушандан бери қанча суварлада институтнинг фахру кўрки бўлган Тошхўжа Хўжаев сингари ўзбек театри санъатининг алломалари билан ҳам инсоний, ҳам ижодий мулоқотлардан кўп нарса олган бўлса ажаб эмас. Шунинг учун ҳам у кейинчалик сахна ҳаракатидан ташқари, бевоқифа актёрлик маҳоратидан ҳам дарс бера бошлайди, сўнгра ўзи мустақил курслар қабул қилади.

лар оқиб кетди. Арсен Исмоиловдан сабоқ олган қанча талаба бугунги кунда ўзбек сахна санъати майдонини ўзини намоян қилляпти... Арсен Исмоилов институтдаги педагогик фаолияти билангина чекланиб қолади, деган инсон эмас. Унинг доимо изланиш, қидириб топиш, яъни ҳаракатда бўлишга ўрганган тиниб-тинчимас табиати бунга таъқозо қилмайди. Шунинг учун ҳам у жуда кўп спектаклларнинг сахналаштирилиши жараёнида иштирок этади, ўзи ҳам спектакллар қўяди.

Мен Арсен ака республика Ёш томошбинлар театрини аҳоли қозоқ кинорежисёри Шакен Аймановни мисол тариқасида келтирган эди. Арсен Исмоилов ҳам ўша пайт-

Абдурахимнинг аёли лаганда иссиқ қарамли дўлма олиб келиб столга қўйди, баҳам кўрдик. Кейин меҳмонлар хайрлашиб кетишди. Биз икки киши қолиб юқоридаги қароватга чиқиб ёнбошладик. Бир маҳал қарасак тоғдан кўй-эчкилар тумтарақайлаб қоча бошлаганини кўрдик. Қўлида сўйилини уйнатиб кўйчивон бир бўричани қувлаб келаяпти. Бўрича кўрқиб қочганидан думалаб кетди. Кўйчи уни сўйил билан уриб ўлдириб, кўйларини йиғишга кетди. Бечора бўрича қонга беланиб ётарди. Айби унинг бўри бўлганими? Табиат уни бўри қилиб шу хирс билан яратган. Ризқини шу йўл билан топади. Унга ҳеч ким овқат бермайди. Одамзот ваҳший ҳайвонларни шу тариқа қириб юбораверса ер юзида охири фақат қўйлар қолади-ми? Унда нима бўлади? Худди шунга ўхшаш ҳолни шу кунги сув бўйида учратдик.

Кечки пайтда Чотқол дарёси бўйига тушдим. Сув оқибини кўриб сайр қилай деб. Не кўз билан кўрайки, соҳилда бир илон оғзида балиқ билан ўлиб ётибди. Балиқ катталиқ қилиб томоғига тикилиб қолиб илон ўлибди. Ана табиатнинг ишлари! Бир махлуқ иккинчисига ем, жониворлар қорин тўйдириш учун ўзидан кичик кучсиз жониворни ем қилади. Бу ёруғ дунё барчаси яшаш учун кураш! Инсонлар ҳаётида ҳам олишувлар, курашлар асосига қурилган. Табиат қонуни шундай деб ўзимни юпатдим.

Жим-жит тоғ орасидаги сўлим жойда не хаёллар ўтмайди дейсиз одам бошидан? Умр омонат. Уни муносиб ўтказмоқ керак. Учинчи кун тоғни отди. Хизматчи йигит эртанги чойни таёёрлади. Овқатланган, шеригимга: «Бугун шаҳардан бир кимса келар, шу билан Тошкентга кетасан дейман. Сиз қандай фикрдасиз? Мен зерикдим», дедим. Шеригим: «Сиз нима десангиз, мен рози. Ҳозирча мен зерикдим йўқ», деди. Тушдан сўнг шаҳардан яқинларимиз чиқишди. Бир шериги билан Абдурахим келди. Ўтиришимиз тоза қизи-

тўполон, муштлашиш, жанглар, қиличбозликлар юз берадиган ўринлар бўлади. Ана шу тўс-тўполонларда ўзига ҳам, шеригига ҳам шикаст етказмасдан, ҳар хил «жанг», «муштлашув», «қиличбозлик»ларга томошабинни ишонтира олиш актёрдан юксак техника талаб қилади. Бу юксак техника назарий асосга қурилмаслиги мумкин эмас. Арсен ака актёр маҳоратининг ана шу нозик жи-

ҳатларини ўргатарди. Арсен Исмоилов бизга кўп эмас, атиги бир йиллар чамаси дарс берган, холос. Бироқ шу бир йил ичида у сабоқ билан ҳам, талабаларга меҳри-ю талабчанлиги билан ҳам «Уста» унвонига сазовор бўлган эди...

Аммо у сахна ҳаракати бўйичагина «уста» бўлиб қолгани йўқ. Раҳматлик Шукр Бурхон бир гал, кинода катта режисёр бўлиш учун албатта Москвада ўқиб келиш шарт эмас, зўр режисёрлар бирикта кино олганда ёнида бирга юрган одам яхши режиссёр бўлиб кетиши мумкин, деган фикрни айтган, атоқли қозоқ кинорежисёри Шакен Аймановни мисол тариқасида келтирган эди. Арсен Исмоилов ҳам ўша пайт-

ҳатларини ўргатарди. Арсен Исмоилов бизга кўп эмас, атиги бир йиллар чамаси дарс берган, холос. Бироқ шу бир йил ичида у сабоқ билан ҳам, талабаларга меҳри-ю талабчанлиги билан ҳам «Уста» унвонига сазовор бўлган эди...

ҳатларини ўргатарди. Арсен Исмоилов бизга кўп эмас, атиги бир йиллар чамаси дарс берган, холос. Бироқ шу бир йил ичида у сабоқ билан ҳам, талабаларга меҳри-ю талабчанлиги билан ҳам «Уста» унвонига сазовор бўлган эди...

1997 йил июл бошида икки киши Бурчмулла юқорисида, Чотқол дарёси бўйида жойлашган тоғлар орасидаги сўлим жойда дам олдик. Бу бир қурилик идорасининг ёзлик оромгоҳи бўлиб, Бурчмулла қишлоғидан 6—7 километр юқори томонда, йўлнинг охири экан, бундан

лик қилиб юргани эсимга тушди. Мен Абдурахимдан тоғ орасидаги сўлим оромгоҳининг номи қандай? — деб сўрадим. Абдурахимнинг ҳикоясига қараганда, бу тоғ оралигини «Мавлон тўқай» деб юритишар экан. Бу ҳақда турлича нақллар бор. Илгарилар бу ердаги тоғ бағирларини қуюқ ар-

ча ўрмонлари қоплаб ёт-

тушди. Бири менда ўқиган

гидротехник инженер экан. Мени кўриб қучоқлашиб қўришди. Булар сув қурилишларини кўриб юришган экан. Ёнимиздаги бассейнининг сувсизлигини кўриб, Абдурахимга баъзи сўзларни айтиб оғохлантиришди. Абдурахим: «Ҳозир дам олувчилар йўқ. Бассейнини тўлғашига насосимиз ярамайди, ремонтлаб, Яқинда тузатсак, кейин дарёдан сув олиб тўлғазамиз. Бундан қайғурманглар», деди. Кейин ўқувчим менга қараб: «Сизлар қандай ювиняйсизлар?» — деб сўради. Мен: «Биз кеча келдик, хозирча ювинишни ўйлаганимиз йўқ, Бассейн тўлиб, қуёшдан исиса, кейин ювинармиз. Буларнинг шароитини ҳам ҳисобга олиш керак», — дедим. Шу вақт

гидротехник инженер экан. Мени кўриб қучоқлашиб қўришди. Булар сув қурилишларини кўриб юришган экан. Ёнимиздаги бассейнининг сувсизлигини кўриб, Абдурахимга баъзи сўзларни айтиб оғохлантиришди. Абдурахим: «Ҳозир дам олувчилар йўқ. Бассейнини тўлғашига насосимиз ярамайди, ремонтлаб, Яқинда тузатсак, кейин дарёдан сув олиб тўлғазамиз. Бундан қайғурманглар», деди. Кейин ўқувчим менга қараб: «Сизлар қандай ювиняйсизлар?» — деб сўради. Мен: «Биз кеча келдик, хозирча ювинишни ўйлаганимиз йўқ, Бассейн тўлиб, қуёшдан исиса, кейин ювинармиз. Буларнинг шароитини ҳам ҳисобга олиш керак», — дедим. Шу вақт

гидротехник инженер экан. Мени кўриб қучоқлашиб қўришди. Булар сув қурилишларини кўриб юришган экан. Ёнимиздаги бассейнининг сувсизлигини кўриб, Абдурахимга баъзи сўзларни айтиб оғохлантиришди. Абдурахим: «Ҳозир дам олувчилар йўқ. Бассейнини тўлғашига насосимиз ярамайди, ремонтлаб, Яқинда тузатсак, кейин дарёдан сув олиб тўлғазамиз. Бундан қайғурманглар», деди. Кейин ўқувчим менга қараб: «Сизлар қандай ювиняйсизлар?» — деб сўради. Мен: «Биз кеча келдик, хозирча ювинишни ўйлаганимиз йўқ, Бассейн тўлиб, қуёшдан исиса, кейин ювинармиз. Буларнинг шароитини ҳам ҳисобга олиш керак», — дедим. Шу вақт

«МАВЛОН ТЎҚАЙ»ДА

ҲАЗОН САТРААРИ

Япроқдек омонат титраб турибман, Олдинда қаратон, ортимда қузақ. Юрагимга чакка сизиб бормоқда, Икки фасл ар ҳаёт — елвизак.

Шамоллар бўридек увиллар, елар, Увиллар ўтмоқда шомлар, сахарлар. Қалбимни офтобга тоблагим келар, Олисда, олисда кўм-кўк баҳорлар...

Мен келганимда кўз эди ахир, Сен эса япроқсан — саргайган, сўлган. Бунини тай олмагун нақадар оғир — Қалбим ҳам заминдек ҳазонга тўлган.

Омон саклолмадим, ҳаммаси кетди, Ҳаммаси тўқилди, мен энди КУЗАК. Изғирин, қаҳрли кунлар забтидан Сенга саклаганим шу битта ЮРАК.

Жимгина севгандик, видолашдик жим, Бўлмади нола-ю ох, фиғон, йиғи. Ўртада озгина хўрсиник ҳоким, Ўртада озгина юрак синиги...

Мажнунлик бўлмади бу гам туфайли Ҳеч ким хуш туш йўқотмади. Фақат кунлар мисоли Лайли Фақат шундан кейин тонг ҳам отмади.

Яна сукунатдир сенинг қўшигинг, Яна жилваланур юзларингда Кўз. Кўзларингда ҳамон оқшомги суварат, Ҳамон лабларингда айтилган Сўз.

Мудом юрагингда журъат ухлайди, Мудом томирингда тин олув севинди. Қулоқларинг фақат бир сўз излайди, Умрингни аллалар энг сўнги илинж.

Тўқилиб борурсан сўнги шабнамдай, Кўзги япроқ каби этасан пир-пир. Юрагинг увиллар совуқ шамолдай, Қайғулим келдим мен, қайғулим гапир.

Қайғулим келдим мен, сўнги илинжман, Энг сўнги баҳорман, эриш музларинг. Тўйиб-тўйиб олгин, ахир севинчман, Оханганман — жаранглаб кетар сўзларинг.

Қайғулим келдим мен, сўнги шабнамман, Бир тоғчи шабнамман ташна лабингга. Пилдираб турган кўзги япроқман, Узилиб борурман сокин қалбингга.

Қайғулим келдим мен, энг сўнги сўзман, Энг сўнги сўзман-ку бошқа айтилмас. Бир йўл бўлиб келдим сенинг пойингга. Бир йўл бўлиб келдим — ортга қайтилмас. Қайғулим келдим мен...

Ақбар ЖОНУЗОҚОВ

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г-0771. Сотувда нархи эркин. Ҳаҳми 2 босма табоқ. Саҳифаловчи: Холида Исмолова. Газета IBM компютерига терилди ва саҳифаланди.

Манзилмиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32. Телефон 133-50-18. «Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмаҳонаси, Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Навбатчи — Холли НОРБОЕВ